



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 28 ноябрь, № 231 (6161)

Жума

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТЕАТР ИЖОДКОРЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда профессионал театр санъатини ривожлантириш ва янги боқичга кўтариш, халқимизнинг бой маданий мероси ва анъаналарини асраб-авайлаш, юрдошларимиз, айниқса, ёш авлодимизнинг маънавий оламини юксалтириш, миллий ва умумбашарий қадриятлар, Ватанга меҳр ва садоқат руҳида камол топтириш ишига қўшган муносиб хиссаси ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар тақдирлансин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони билан

Набиев Асадилло Суванович — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Юсупова Тути — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Икрамова Дилдорхан — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри
Масудов Фатхулла Хусанович — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

«Дўстлик» ордени билан

Абдувахабов Абдураим Абдуллахайевич — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри
Курбанов Баганияз — Ўзбек Миллий академик драма театри рассоми
Цой Светлана Менгиновна — Ўзбек Миллий академик драма театри рассоми

«Шухрат» медали билан

Арипджанов Махмуджон Окилжанович — Ўзбек Миллий академик драма театри ёритиш бўлими бошлиғи
Киличов Миролим Хусниддинович — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2014 йил 27 ноябрь

Опера санъатининг бетакрор жозибаси

Пойтахтимизда катта санъат байрамига айланиб кетган «Competizione dell'Opera» ёш опера ижрочиларининг XIV халқаро танлови ўз нихоусига етди.



Мазкур танлов халқлар ўртасидаги ўзаро маданий алоқаларни мустаҳкамлашда, ноёб ва жозибали санъатнинг навқирон вакиллари кўллаб-қувватлашда ўзига хос аҳамият касб этади. Бинобарин, ана шундай нуфузли халқаро мусикий тадбирнинг пойтахтимизда ўтказилишида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида мусиқа ва санъат ривожига қаратилаётган юксак эътибор, ёш ижодкорларимизнинг эришаётган муваффақиятлари эътирофи муҳассамдир.

Бир неча кун давом этган халқаро танловда юртимиз вакилларидан ташқари, Австрия, Германия, Венгрия, Япония, Беларусь Республикаси, Польша, Россия, Словакия, Қозоғистон, Жанубий Африка Республикаси ва бошқа давлатлардан келган 60 нафардан зиёд ёш опера хонандалари ўзаро ижодий беллашди.

(Давоми 2-бетда).

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР — САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ



Бугунги глобаллашув жараёни жаҳон бозоридagi рақобатни янада кучайтирмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, бундай шароитда иқтисодийнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, бозорда мустақкам ўринни сақлаб қолиш кўп жиҳатдан ишлаб чиқаришда замонавий технологиялар ва инновацияларни оқилона қўллашга боғлиқ. Бу, айниқса, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат sanoati учун ўта муҳимдир.

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

Шу боис мамлакатимизда иқтисодийнинг ушбу етакчи соҳалари модернизация қилиниб, илм-фан ва техника ютуқлари изчил татбиқ этилаёпти. Истиқлол йилларида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин кўпайиб, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ошиб бораётгани ана шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Тошкент шаҳрида давом этаётган қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат sanoati маҳсулотларининг «UzAgroExpo — 2014» ҳамда «UzProdExpo — 2014» ўнинчи халқаро кўргазмалари айна шу масалага бағишлангани соҳа вакиллари кизиқилиши осирди.

Мазкур тадбирларда хорижий жаҳонга машҳур компания ва фирмалари, юртимизнинг илғор тадбиркор ҳамда фермерлари иштирок этаётгани бунга асос бўла олади.

— Дунёнинг кўпгина давлатларида турли сабабларга кўра қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш суръатининг пасайиш тенденцияси кузатилаётган бир пайтда Ўзбекистонда иккала соҳа ҳам барқарор ривожланаётгани эътиборга молик. — дейди Голландиядаги «Geerlofs» компаниясининг экспорт масалала-

ри бўйича менежери Питер Ян Роббемонт. — Айниқса, серкүёш юртингизда етиштирилган мевасабзавот ва полиз маҳсулотлари ширин мазаси, витаминларга бойлиги билан бутун дунёда алоҳида қадрланади. Биз халқаро тадбир асносида боғ ва дала неъматларини сифатли сақлашга мўлжалланган замонавий оғборлар қуриб, «калити билан» топширишни таклиф қилаймизки, бу ўзбек фермер ва тадбиркорларига маъқул келмоқда. Бунинг учун зарур бўладиган совитиш ва музлатиш ускуналари, техника ҳамда технологияларининг барчаси компаниямизда ишлаб чиқарилади.

Кўргазмаларнинг ўзига хос жиҳати шундаки, уларда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат sanoatinинг барча йўналиши қамраб олинган бўлиб, соҳа тараққиётига хизмат қиладиган замонавий техника ҳамда технологиялар, тежамкор ускуна ва дастгоҳлар кенг намойиш қилинмоқда.

(Давоми 3-бетда).

Мунаввар тонг қадри

«Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир».

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 52-моддасидан).

Ҳар бир тонгни хотиржам, хуш кайфиятда қарши оламиз. Файзли дастурхон атрофида ширин суҳбатлар қуриб, бир пиёла чойимизни эмин-эркин ичамиз. Кейин кимдир фарзандини боғчага, ўқишга кузатади, бироз қадрдон иш жойи сари отланади. Йўл-йўлакай кўчаларимиздаги саранжом-сарихталлиқни, ҳар тарафда қизгин давом этаётган улкан бунёдкорлик ишларини кўриб, дилимиз янада ёришади. Қош қорайғач,

янги таассуротлар билан яна хонадонимиз сари ошиқамиз. Бир-биримиз билан омон-эсон, бағримизни очиб дийдорлашамиз. Энди айтинг, инсон учун бундан ортиқроқ қувонч, бахт борми дунёда?! Биз истиқлол сабабли, юртимизда ҳукм сураётган осойишталик туфайли ана шундай неъматлардан баҳрамандмиз. Аслида дунёда турли таҳдидлар, можаро ва қарама-қаршилиқлар авж олган ҳозирги мураккаб даврда

тинчликни, сарҳадлар дахлсизлигини таъминлашнинг ўзи осон иш эмас. Мустақилликка эришган даврда кунларимизданок Президентимизнинг ушбу масалага алоҳида эътибор билан ёндашиб, узокни кўзлаб олиб борган оқилона сиёсати, хусусан, Ватанимизни ишончли тарзда ҳимоя қилиш мақсадида профессионал миллий армияни ташкил этиш борасидаги саъй-ҳаракатлари боис бугун барчамиз осуда ҳаёт



оғушида орзу-умидларимиз рўёбини кўрмоқдамиз. Дарҳақиқат, ҳар бир давлатнинг мустақиллигини, чегаралари дахлсизлигини, аввало, унинг армияси ҳимоя қилади.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Жорий йилнинг тўққиз ойида мамлакатимизда пудрат қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиши

18,9 фоизни ташкил этди.

Шаҳару қишлоқларимизда муҳим объектлар ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишни жадаллаштириш, йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, шунингдек, аҳоли ва қурилиш ташкилотларининг бунёдкорлик материалларига бўлган эҳтиёжини узлуксиз таъминлаш бўйича олиб борилган тизимли ишлар туфайли соҳада ана шундай юқори ўсиш суръати таъминланди.

(Давоми 2-бетда).

Бельгияда тақдимот

Бельгиянинг Мехелен шаҳар Савдо-саноат палатасида Ўзбекистон Республикасининг савдо-иқтисодий ва сармоявий салоҳиятига бағишланган тақдимот бўлиб ўтди. Мазкур тадбир мамлакатимизнинг Брюсселдаги дипломатия ваколатхонаси томонидан ташкил қилинди.

БИЗ ВА ЖАҲОН

Антверпен провинциясида жойлашган Мехелен Европадаги йирик юк ташиш бандаргоҳи хисобланади. Антверпен минтақада иқтисодий жиҳатдан жадал ўсиб бораётган провинциялардан бири сифатида ажралиб туришининг сабаби кўпгина трансмиллий ва халқаро компаниялар ушбу худуд-

да ўз базаларига эга эканлиги билан изоҳланади. Бу омил провинциянинг иқтисодий фаоллигини оширишга кўмаклашмоқда.

Мехелен Савдо-саноат палатаси бугунги кунда ўз атрофида бирлаштириб турган 1250 та корхонанинг 95 фоизини кичик ва ўрта бизнес субъектлари

палатаси таркибига кирадиган қатор компаниялар вакиллари Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ва мамлакатимизнинг қулай сармоявий муҳити ҳақидаги маълумотлар билан ба-тафсил танишди. Шу ўринда республикамизда ташкил этилган маҳсул индустриал зоналар ва уларда истиқболли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш учун яратилган имкониятларга алоҳида эътибор қаратилди.

(Давоми 3-бетда).

АНЖУМАН

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа минтақавий бюросининг 2012 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган йиллик сессиясида унга аъзо 53 та давлат, жумладан, Ўзбекистон ҳам аҳоли саломатлиги ва фаровонлигини янада ошириш, турли ижтимоий ҳамда экологик муаммоларнинг олдини олишга қаратилган «Саломатлик — 2020» стратегиясини қўллаб-қувватлаган эди.

«Саломатлик — 2020» стратегияси:

ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ ЮҚОРИ БАҲОЛАНМОҚДА

Пойтахтимизда ана шу сиёсатни амалга ошириш бўйича минтақавий анжуман ўз ишини бошлади. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа минтақавий бюроси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО, Аҳолинуфуслиқ жамғармаси каби нуфузли ташкилотлари, қатор давлатлар соғлиқни сақлаш вазирлари, олимлар, миллий ва хорижий экспертлар иштирок этмоқда.

Таъкидланганидек, Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ соғлиқни сақлаш, таълим соҳаларини тубдан ислоҳ қилиш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш ва экологияни асраб-авайлаш масалаларига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Бу борада эришилаётган натижалар халқаро ҳам-жамият томонидан юксак баҳолалиб, «Ўзбек модели»нинг ўзига хос жиҳатларини ўрганишга бўлган кизиқиш тобора ортиб бораёпти.

Дарҳақиқат, биргина тиббиёт соҳасида ҳаётга татбиқ этилаётган янгиликлар, амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар юртимизда инсон қадрини нақадар улғу эканлигини яққол тасдиқлайди. Хусусан, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда сифат жиҳатдан янги, энг юксак талабларга жавоб берадиган бирламчи тиббиёт, республика ҳамда вилоятлар шовишлиқ тиббий ёрдам кўрсатиш ва хирургия, кардиология, урология, терапия, эндокринология, кўз мик-

рохирургияси каби ўнлаб йўналишларга ихтисослаштирилган марказларни ўз ичига олган тиббиёт муассасаларининг мукамал ва ишончли тармоғи вужудга келди. «Соғлом она — соғлом бола» дастури умуммиллий ҳаракатга айланди. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида худудларда замонавий тиббиёт муассасалари тармоғи, шу жумладан, республика ихтисослаштирилган педиатрия, акушерлик ва гинекология илмий марказлари ташкил этилди.

Бундан ташқари, бугун мамлакатимизнинг барча вилоятларида она ва бола перинатал ҳамда скрининг марказлари фаолият кўрсатмоқда. Аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳомиладор аёлларни таркибиде соғлиқ учун зарур микронутриентлар мавжуд бўлган маҳсул поливитаминлар билан таъминлаш орқали соғлом фарзандларни дунёга келтириш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бундай тажриба жаҳонда кам учрайди.

Махсус давлат дастури доирасида замонавий она ва бола скрининг марказлари тармоғи ташкил этилган 2000 йилдан буён мамлакатимизда ирсий ва туғма нуқсонли болалар туғилиши 1,8 баробардан зиёд қамайди. Бугунги кунда болаларнинг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади. Ёки «Саломатлик — 2020» стратегиясининг мавжуд тўрт устувор йўналишларидан бирини ташкил қилувчи инфекция ва нонинфекцион касаллик кўрсаткичлари ҳам кескин қамайиб бораётгани диққатга сазовордир.

(Давоми 2-бетда).

«Саломатлик — 2020» стратегияси:

ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ
ЮҚОРИ БАҲОЛАНМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида бу йўналишдаги ишлар кўлами янада кенгайди. Болаларни ўн битта хавфли касалликка қарши режали эмлаш изчил давом эттирилди. Эндликда пневмококк, инсон папилломаси вируси сингари хавфли инфекцияларга қарши икки хил янги вакцина билан босқичма-босқич эмлаш жорий қилиниши мўлжалланмоқда. Бу келажақда юқумли ва онкологик касалликларнинг олдини олишда муҳим ўрин тутди.

Мамлакатимизда комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида ўтган йиллар давомида оналар ва гўдаклар ўлими 3 баробардан кўпроқ камайд.

Яна бир қиёс. Бугун жаҳон миқёсида сил касалликларини даволаш самараси 85 фоизни ташкил қилади. Юртимизда эса бу кўрсаткич 87 фоизга етди. Албатта, бундай ижобий ўзгаришларга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ. Барчаси давлат даражасидаги эътибор самарасидир. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 мартдаги «2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида сил касаллиги билан касалланишни камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу бо-

радаги ишларда муҳим дастуриламал бўлаётди. Мазкур қарорда белгиланган вазифалар ўз вақтида ҳаётга татбиқ этилиши натижасида тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда. Соҳада жаҳон тиббиётининг илғор услублари ва воситаларидан самарали фойдаланилаётди.

Юртимизда соғлом авлоднинг вояга етказишда таълимнинг узвий қисми сифатида спортни ривожлантиришга катта аҳамият қаратилаётгани ҳам айтиб ўтиш ўринли. Шу мақсадда шаҳару қишлоқларимизда бири-бирдан ажойиб спорт комплекслари барпо этилмоқда. Уч босқичли мусобақалар тизимининг жорий қилиниши эса ёшлар ўртасида спортни янада оммалаштиришда алоҳида ўрин тутаятир.

Умуман, тиббий-ижтимоий соҳада ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотлар, эришилаётган ютуқлар халқаро миқёсда муносиб эътирофни топмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан Ўзбекистоннинг оналик ва болаликни муҳофаза қилишга оид Миллий модели тараққиётган мамлакатларга намуна сифатида тавсия этилгани бунинг яққол далилидир.

«Саломатлик — 2020» стратегиясининг яна бир устувор йўналиши соғлиқни сақлаш,

таъминлаш борасида улкан муваффақиятларга эришгани мон талаблари даражасига олиб чиқиш, озиқ-овқат, сув ва энергия билан таъминлашни яхшилашдир. Ўзбекистонда бу борада ҳам беқийёс ишлар амалга оширилмоқда. Кейинги йилларда мамлакатимизда ўтказилган йирик симпозиум, конференция ва форумларда халқаро жамоатчилик ушбу йўналишларда орттирилган тажрибалар билан яқиндан танишиш имконига эга бўлди. Хусусан, ўтган йили ташкил этилган «Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзусидаги халқаро конференция юртимизнинг барча ҳудудлари, шу жумладан, қишлоқларда тараққиётнинг «Ўзбек модели» тамойиллари асосида рўёбга чиқарилаётган ислохотлар, уларнинг юқори кўрсаткичлари жаҳон ҳамжамиятида катта қизиқни уйғотаётганини яна бир бор тасдиқлади.

Жорий йилда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда Озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференцияда эса мустақиллик йилларида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини

таъминлаш борасида улкан муваффақиятларга эришгани маънавий бўлаётган ҳам, Президентимизнинг оқилона сиёсати боис тарихан қисқа даврда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2 баробардан зиёд ошди. Республикаимизда ҳар йили 16 миллион тоннага яқин мева ва сабзавот еттиштирилмоқда. Аҳоли жон бошига қарийб 300 килограмм сабзавот, 75 килограмм картошка ва 44 килограмм узум тўғри келмоқда. Бу мақбул деб ҳисобланадиган истеъмол меъёридан уч баробар кўпдир.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган Озиқ-овқат дастури аҳолининг тўлақонли ва мутаносиб рақсон асосида овқатланишини таъминлашдек муҳим вазифани ҳал этиш имконини берди.

Истеъмол қилинадиган овқатнинг таркиби ва рақсонлиги яхшилаш бошқа омишлар билан бирга, аҳоли, аввало, болалар саломатлигини тубдан яхшилашга ижобий таъсир кўрсатди. Масалан, сўнгги 10 йилда вази тиббиётда кўзда тутилган меъёрдан кам бўлган болалар сони икки баробардан зиёд (4 фоиздан 1,8 фоизга) қисқарди, уларнинг бўй ўртача 3 сантиметр ўсди, бизнинг минтақамизга хос бўлган жиддий касаллик,

яъни хотин-қизларда камқонлик даражаси 2,5 марта пасайди.

— Ўзбекистон «Саломатлик — 2020» стратегиясини ҳаётга изчил татбиқ этаётган энг етакчи мамлакатлар қаторига қиради, — дейди Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа минтақавий бюроси департаменти директори Агис Цоурос. — Ушбу анжумани ўтказишдан мақсад аҳоли саломатлиги ва фаровонлигини янада мустаҳкамлаш йўлида ҳамкорликни ривожлантириш, «Саломатлик — 2020» сиёсатини изчил амалга ошириш бўйича кўзда тутилган масалаларни атрофича муҳофаза қилишдан иборат.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистон тиббиётини таъминлаётган ютуқларни юқори баҳолаб экан, ўтган даврда мамлакатимизда тиббий хизматнинг жаҳон андозалари даражасидаги ўзига хос миллий модели яратилганини таъкидлади. Ўзбекистон БМТ Минг-йиллик ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича глобал жараённинг фаол иштирокчиси экани ва бу борада давлатлар олдига қўйилган вазифаларни мамлакатимиз ҳаётга муваффақиятли татбиқ этаётгани, кўплаб кўрсаткичлар бўйича етакчилик қилаётгани қайд этилди.

Икки кун давом этадиган анжуман доирасида иштирокчилар В. Воҳидов номидаги Республика иختисослаштирилган жаррохлик марказининг Кардиофармология мажмуаси, Республика иختисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази, болалар спорт мажмуалари фаолияти билан танишди.

Шавкат ОРТИҚОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МАМЛАКАТИМИЗ

ТАРАҚҚИЁТИ
ЙЎЛИДА



ЯНГИЛИКЛАР, ВОКЕЛАР, ХАБАРЛАР

Зангиота туманидаги «Абдулазиз омад чинни-лари» масъулияти чекланган жамиятида куполлик буюмлари аънавий дастгоҳларда эмас, балки юқори суръатда ишловчи хориж технологиялари ёрдамида тайёрланаётди.

Ташқи бозордан
буюртма

Жорий йилда иш бошлаган мазкур корхонада айни пайтда 20 га яқин ёшлар томонидан миллий ва замонавий дизайн уйғунлигидаги 25 турдан зиёд уй-рўзгор буюмлари ишлаб чиқарилаётди.

— Махсулот тайёрлашда Хитой технологиясини танланганлиги бежиз эмас, — дейди жамоа раҳбари Исмомил Алимов. — Биласиз, бу юрт чинилари азалдан бутун дунёда маълуму машҳур. Мақсадимиз — ўзимизда импорт ўрнини босувчи ана шундай махсулотлар тайёрлашни тўла ўзлаштиришдир. Қисқа фурсатда 20 минг донадан ортиқ куполлик буюмлари тайёрлаб, икки бозорда сотишга муваффақ бўлган жамоа яқинда чет элдан ҳам буюртма олди.

Фойрат ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Узоқ муддат
фойдаланиш мумкин

Кейинги йилларда қурилиш саноатида сувли дисперсия бўёқлари кенг қўлланилаётди. Бу турдаги махсулотларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улардан узоқ йиллар фойдаланиш мумкин.

Бундай бўёқларнинг ранги ўзгармайди ва сифати бузилмайди. Ёқимсиз хид таратмайди. Зарари бўлганлиги ҳосил қилмайди. Ана шу омилларни ҳисобга олган нуқуллик тадбиркор Фарҳод Мамедов «Манас сибир» масъулияти чекланган жамиятида сувли дисперсия бўёқлари ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

— Лойиҳамизни рўйбга чиқаришда банкнинг молия-

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мавсум учун
пойабзаллар

Қўқон шаҳрида шу йилнинг ўтган даврида худуд саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури доирасида 23 та лойиҳа рўёбга чиқарилди.

Яқинда фаолият бошлаган «Киндер-Қўқон» корхонаси ҳам — шулардан бири. Ҳозир бу ерда пойабзал махсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу тадбиркорлик субъектини хорижий технологиялар билан жиҳозлаш ишларига 450 минг долларлик сармоя йўналтирилди. Айни пайтда корхонада чармдан қуз-қиш мавсумига мўлжалланган 20 турдаги пойабзал тайёрланмоқда.

Набижон СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қишда ҳам
ҳосил олинади

Мирзаобод туманидаги «Мирзаобод универсал трайд» масъулияти чекланган жамиятига қарашли иссиқхонада ўстирилаётган лимон дарахтлари паст бўйли эканлиги билан бошқаларидан фарқ қилади.

Аммо у нисбатан қисқа даврда мевага қиради. Муҳими, цитрус ўсимликлар оиласига мансуб ушбу зироат турининг ҳосилдорлиги анча юқори. Бинобарин, унинг ҳар тупида 50 килограммдан ортиқ мева олиш мумкин. Қолаверса, лимон дарахтлари шаклан ихчамлиги боис соҳибкорларга экин майдонини тежаш имкониятини яратди.

Ҳадемай, иссиқхонанинг бир қисмига киви кўчатлари ҳам ўтказилди. Унинг ниҳоллари махсус тувакларга жойланган ҳолда хориждан келтирилиши мўлжалланмоқда. — Иссиқхонамизнинг умумий майдони 4 гектардан иборат, — дейди жамият раҳбари Зухриддин Турсунов. — Унда цитрус мевалар билан бирга, помидор ва бодиринг ҳам етиштирялмоқда. Шу кунларда маҳаллий бозорларга сархил бодиринг етказиб бераёلمиз. Айтиш лозимки, лойиҳа қиймати 4 миллиард 600 миллион сўмлик бўлган мазкур иссиқхонанинг барпо қилиниши тўғрисида ҳудудда кўплаб янги иш ўринлари яратилди. Айни пайтда иссиқхона ёнида чорвачилик ва паррандачилик йўналишларидаги хўжалик ҳам ташкил этилмоқда. Мазкур лойиҳалар рўёбга чиқарилган, бу ерда меҳнат қилаётганлар сони 180 нафарга етди.

Аҳмадвали ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шуни комил ишонч ва чексиз фахр билан айта оламизки, биз ана шундай салоҳиятли Қуролли Кучларга эгамиз. Ҳарбий имкониятимиз бугунги кун талабларига тўла жавоб беради — тезкор, ихчам, замонавий қурол-яроғ ҳамда зарур техникалар билан таъминланган. Энг муҳими, армиямиз сафарларида хизмат қилаётган ўрмон жисмоний ва маънавий жиҳатдан етуқ, билимли, интеллектуал салоҳияти юқори, айниқса, халққа ҳамда Президентига содиқлиги билан ажралиб туради.

Мунаввар
тонг қадри

Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда офицер ва сержант кадрлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш бўйича самарали тизим яратилганини ҳам алоҳида айтиб ўтиш жоиз. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Академиясининг ташкил этилиши бу борадаги муҳим қадамлардан бири бўлди. 1995 йил 2 сентябрдан фаолиятини бошлаган, Марказий Осиёда ягона ҳисобланган мазкур даргоҳ зиммасига олий қўмондонлик таркибидаги офицерларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, муҳофаза қурилиши соҳасидаги илмий-амалий тадқиқот ҳамда ишланмаларни мувофиқлаштириш, юртимизда ҳарбий таълимни ривожлантириш каби устувор вазифалар юклатилган. Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 4 августдаги Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Академиясини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қароридан сўнг ушбу таълим муассасаси фаолияти янги босқичга кўтарилди.

Академияда ўқитишнинг энг замонавий шакллари ва услублари жорий этилган бўлиб, мазкур жараёнда илғор ахборот-коммуникация технологиялари, моделлаштириш ва симуляция воситалари, машқ комплекслари ҳамда тизимларидан кенг фойдаланилди. Тингловчилар назарий жиҳатдан олган билим ва кўникмаларини дала шароитларида амалий жиҳатдан янада мустаҳкамлашди. Жисмоний таътирлар билан спорт машгулотларини ўтказиш учун ҳам бу ерда барча имконият яратилган. Қисқаса, Ўзбекистон Қуролли Кучлар Академиясидан юксак интеллектуал салоҳиятли, мураккаб ва кескин шароитларда вазиятни тўғри баҳолаб, тезкор қарорлар қабул қила оладиган профессионал ҳарбий кадрлар етишиб чиқмоқда. Мен ана шундай даргоҳда фаолият юритаётганимдан, ҳарбий кадрлар тайёрлаш ишига ҳисса қўшаётганимдан чексиз фахрланаман.

Тинчлик ва оқошталлик қадрини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Шундай экан, истиқлол берган неъматларнинг қадрига етиш, осмонимиз мусофоллигини, Ватанимиз шашни, обрў-эътиборини асраб-авайлаш, юртимизда амалга оширилаётган эзгу ишларга қамарбаста бўлиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Бу мамлакатимиз Конституциясида ҳам алоҳида белгилаб қўйилган. Биз, ҳарбийлар ана шу масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда, Ватанимиз сарҳадлари дахлсизлигини таъминлаш йўлида бундан кейин ҳам фойдоиллик кўрсатиб, бор куч ва салоҳиятимизни ишга соламиз.

Бобир НЕГМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Академияси кафедра бошлигининг ўринбосари,
«Содиқ хизматлари учун» медали соҳибини, подполковник.

Опера санъатининг бетакорр жозибаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Саралаш баҳслари якунида 20 нафар хонанда финал босқичида иштирок этиш учун танлаб олинди. Уларнинг беш нафари юртимиз вакиллари экани, албатта, барчамизга ғурур бағишлайди. Булар Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси Ғуллом Назиров, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри хонандлари Рустам Алимардонов, Жаброил Идрисов, Барно Исмагуллаева ва ушбу театр стажёри Дамир Раҳмоновдир. Қизгин тарзда ўтган финал босқичида голиблар яширин овоз бериш йўли билан аниқланди. Нуфузли ҳакамлар ҳайъати ҳулосасига кўра, юртдошимиз Барно

Исмагуллаева танлов голиби, деб топилди. Беларусь Республикаси вакили Павел Петров 2-ўринга, россиялик Мария Баянкина ва ўзбекистонлик Жаброил Идрисов эса 3-ўринга сазовор бўлди. — Менинг бу муваффақиятим, авваломбор, Президентимизнинг биз, ёшларга кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрлиги мевасидир, — деди халқаро танлов голиби Барно Исмагуллаева. — Ушбу муқофот нафақат менга, балки мамлакатимиздаги опера санъати намоёндалари ва ихлосмандларига берилган баҳодир. «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида 29 ноябрь кун танлов голиблари иштирокида гала-концерт бўлиб ўтди.



Сўз — халқаро танлов иштирокчиларига

Фарҳод БАДАЛБЕЙЛИ, ҳайъат аъзоси, У. Гажибейли номидаги Боку мусика академияси ректори (Озарбайжон): — Тошкентда ўтган опера санъати байрами юксак савияда ташкил этилганлиги билан бир умир ёдимда қолади, айниқса, ўзбекистонлик ёш хонандаларнинг ижрочилик маҳорати яққол ажралиб турди. Улар мураккаб арияларни маромига етказиб қуйлашди.

Айтишим керакки, биз кўп йиллардан бери Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри билан яқиндан ҳамкорлик қиламиз. Ана шу алоқалар ва мазкур халқаро танлов жараёнида гувоҳчи бўлиб турибмизки, юртингизда театр, хусусан, опера санъати равнақ топапти. Хуллас, баралла айтаманки, Ўзбекистон — чинакам истеъодлар юрти экан.

Мария БАЯНИНА, хонанда, халқаро танловнинг 3-ўрин соҳибаси (Россия): — «Competizione dell'Opera» ёш опера ижрочиларининг XIV халқаро танловига иштирок этганимдан бахтиёрман. Боиси, муаззам Тошкент шаҳрида ўзимнинг ёрқин ижроларимни намойиш эта олдим. Очиги, хушхаво, ниҳоятда гўзал, бағрикенг Ўзбекистон менга катта куч ва илҳом бағишлади. Буни бизга бўлган меҳр ва эҳтиромларни кўриб, қалбимда миннатдорчилик туйғуси ила ҳис этдим.

Андисва МАКАНА, ижрочи (ЖАР): — Германиянинг Кельн шаҳрида опера санъати сирларини ўргандим. Бир неча халқаро танловларда қатнашиб, маҳоратим ва ижро услубимни такомиллаштирдим, десам, хато бўлмайди.

Тошкентдаги опера байрами менинг орзуларимга қанот бағишлади. Чунки руҳиятимда кўтаринкилик уйғонди. Бу танлов мутлақо бошқача. Дўстона, тантанавор, ҳаяжонли дамлари билан унутилмас таассуротлар қолдирди. Ўртингизда ёш санъаткорлар жаҳон миқёсидаги опера ижрочилари даражасига етишиши учун барча имкониятлар етарли. Буни уларнинг салоҳиятлари ва иқтидорлари тасдиқлаб турибди. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлганман. Лекин бирон бирини Ўзбекистондаги опера санъатига бўлган эътиборини учратмадим. Насиб бўлса, Тошкентга яна келаман. Юрагимда бир олам эҳтирос жўш урмоқда. Сизларга катта раҳмат.

Дилмурод СОДИҚОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ёш авлод тарбияси ва масъулият

Мақтабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш республика ўқув-методика марказида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Халқ таълими вазирлиги ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда мақтабгача таълим муассасаларини янада ривожлантириш, соҳадаги ютуқ ва долзарб масалаларга бағишланган анжуман ўтказилди.

2014 йил — соғлом бола йили

Эътироф этилганидек, мамлакатимизда ёш авлодни жисмонан ва маънан соғлом, юқори интеллектуал салоҳиятли инсонлар этиб вояга етказиш, уларга пухта билим бериш, миллий аънава ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида камол топтиришга зарур ташкилий, ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилган. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид

давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори замонавий фикр-лайҳадан, қатъий фуқаролик позициясига эга бўлган ёш авлодни тарбиялашда дастуриламал бўлмоқда. Бугунги кунда юртимиздаги мавжуд 4950 мақтабгача таълим муассасаси ўз фаолиятини самарали амалга оширмоқда. 581 мингдан зиёд кичкинтойларни қамраб олган

мазкур даргоҳларда «Болажон» мақтабгача таълим таянч дастури амалиётга изчил татбиқ этилаётди. Унда жажжи болақайларнинг ижтимоий-эмоционал ривожланишига оид билимлар ўрин олган бўлиб, бу, ўз навбатида, уларнинг атрофимиздаги олам ҳақидаги илк тасаввурларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Анжуманда «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида мақтабгача таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни юқори малакали ва тажрибали педагоглар билан таъминлаш, болалар, айниқса, қиз болалар ўртасида жисмоний тарбия ва спортга меҳр уйғотиш бўйича тизимли ишлар олиб борилаётгани

таъкидланди. Чунончи, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан мақтабгача таълим муассасаларида «Зумрадойлар давраси» тўғрақларини иши йўлга қўйилган бўлиб, унда 3-6 ёшли қиз болалар меҳнатсеварлик, ростиўйлик, камтарлик, умуман, одоб-ахлоқ меъёрлари ҳақида дастлабки сабоқларни олишмоқда. Тадбир иштирокчилари МТМ, айниқса, қишлоқ жойлардаги мақтабгача таълим даргоҳларининг моддий-техника базасини босқичма-босқич мустаҳкамлаш, болаларни ушбу муассасаларга кенг қамраб олишни ташкил этиш, боғчага бормайдиган болалар учун қўшимча гуруҳлар ташкил этиш, бу борада тизимли асосда тушунтириш ишларини олиб бориш, мақтабгача таълим мазмунини тако-

милиштиришнинг сифат даражасини кўтаришда илмий асосланган изланишларни ва илғор тажрибаларни тўплаш, мутахассисларнинг ижодий салоҳиятини ошириш бўйича қўйилаётган комплекс чора-тадбирларнинг аҳамиятига тўхталиб ўтишди. Қайд этилганидек, ушбу масала Президентимизнинг 2014 йил 1 августдаги «2014 — 2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсимлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида»ги қароридан ҳам алоҳида белгиланган бўлиб, унинг ижросини таъминлаш айни заруратдир. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Қўш вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

Зиёда АШУРОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бельгияда тақдимот

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Шунингдек, мазкур маросим доирасида Ўзбекистоннинг 2014 йил 9 ойи мобайнидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари, иқтисодиёт тармоқларини диверсификациялаш, миллий қонунчиликдаги хорижий сармоялар жалб этилишини рағбатлантиришга йўналтирилган ўзгаришлар ҳақида батафсил фикр юритилди.

Бундан ташқари, тақдимот қатнашчилари Ўзбекистонда чет эллик сармоядорлар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясининг таъминлини юзасидан қўрилаган чора-тадбирлар билан ҳам атрофлича таништирилди.

Тақдимот чоғида компаниялар фаолиятининг асосий йўналишлари ва иқтисодиётимиздаги устувор жабҳаларни ривожлантиришдан келиб чиққан ҳолда, экспортга мўлжалланган юқори қўшимча қийматли кенг қамровдаги тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини кўзда тутадиган ўзаро ҳамкорликдан республикамизнинг манфаатдор эканлиги таъкидланди. Мамлакатимизда Бельгия компаниялари иштирок этиши мумкин бўлган истиқболли сармоявий лойиҳаларнинг рўйхати Мехелен Савдо-саноат палатасига аъзо бўлган компаниялар эътиборига ҳавола қилинди.

Тадбирда Ўзбекистоннинг сўнгги йиллардаги иқтисодий ривожланиши ҳақида ҳикоя қилувчи

хужжатли фильм ҳам намойиш этилди.

Айтиш жоизки, Бельгия компанияларида Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан қизиқишнинг нақадар катта эканлигини ушбу мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари билдирган фикр-мулоҳазалар ҳам яққол тасдиқланди.

Тақдимотда сўзга чиққан Палата Бош директори **Фредерик Ахтендинг** таъкидлашча, бу қизиқишнинг сабаби, биринчи навбатда, республика ривожланишининг изчил суръатлари, сиёсий ва иқтисодий барқарорлик билан изоҳланади.

— Барчамизга аёни, Марказий Осиёнинг етакчи давлатларидан бири бўлган Ўзбекистон кейинги йиллар мобайнида халқаро майдонда ўз ўрнини янада мустаҳкамлади ва дунёда кўп бўлмаган, бугунги кунда шитоб билан ривожланаётган иқтисодиётга эга мамлакатлардан бирига айланди, — деди у. — Республикада мустақиллик йиллари давомида қўлай ишбилармонлик муҳитини ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий қароғаларни шакллантириш юзасидан изчил ва кенг қамровли чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилди. Шуниси ҳам қувонарлики, кейинги йиллар мобайнида миллий даромадда кичик бизнес улуши тобора ошиб бормоқда. 2000

йили ялпи ички маҳсулотда ушбу тармоқнинг улуши 31 фоиз бўлган бўлса, 2013 йилга келиб бу 55,8 фоизни ташкил этди.

Бельгиянинг **“Intraco”** ва **“Maxx Intermodal Systems”** компаниялари вакиллари бугунги кунда Ўзбекистонда бизнес ҳамкорлигини кенгайтириш учун жуда қўлай шароит мавжуд эканлигини қайд этдилар. Улар ҳамкорликнинг ижобий таърибаси ҳақида тўхталиб, ўзаро алоқаларни янада фаоллаштириш учун тайёр эканлигини маълум қилишди.

Хусусан, **“Intraco”** компаниясининг экспорт бўйича менежери **Йохан де Бакер** Ўзбекистонлик фирмалар билан узоқ муддатли шартнома имзолангани ҳақида тўхталар экан, ўз компанияси умумий қиймати 1,5 миллион еврога тенг бўлган Бельгия жиҳоз-усуналари ва технологияларини етказиб бериш бўйича лойиҳани шу йилнинг ўзига амалга оширишни режалаштираётганини билдирди.

— Биз Ўзбекистонда уй ҳайвонлари ва паррандалар учун маҳаллий хом ашёдан мультивитаминлар ҳамда аралаш озуқалар ишлаб чиқарадиган қўшма корхона очиб ниятдамыз, — деди у. — Яқинда Бельгия делегациясининг таркибидан Нидерландияда бўлиб ўтган **“VIV Еurore 2014”** Паррандачилик ва инновация технологиялари халқаро кўргазмасидаги иштирокчимиз чоғида Ўзбекистондаги **“Golden Wing”** компанияси билан

бир неча хил омихта ем маҳсулотларини ишлаб чиқариш юзасидан келишувга эришдик.

“Maxx Intermodal Systems” компаниясининг бизнесни ривожлантириш бўйича менежери **Вил Фермон** ҳам Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг боришини ижобий баҳолади.

— Мамлакатда тараққётнинг эътиборга молик бўлган барқарор ўсиш суръатлари **“Maxx Intermodal Systems”** фаолиятининг жадаллашуви ҳам хизмат қилишига шубҳа йўқ, — деди компания вакили. — Контейнер юк ташишларини ташкил этишга ихтисослаштирилган компаниямиз йилдан йилда зиёд давр мобайнида Ўзбекистон базорида муваффақиятли фаолият кўрсатиб келмоқда. Шу ўринда Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барча тармоқларини диверсификациялашда катта истиқболлар мавжуд эканлигини ва булар бельгиялик ишбилармонларни қизиқтиришни қайд этишни истар эдим. Иқтисодий ислохотлар борасида эришилган марра ва ўзгаришлар Ўзбекистоннинг хорижий сармоядорлар учун жиҳаздорлигидаги асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда, деб ўйлайман.

“Global Fashion Management” компанияси бош директори **Р. Дени** мамлакатимиздаги қўлай сармоявий муҳит, шунингдек, бой хом ашё ва малакали кадрлар Бельгия технологияларининг Ўзбе-

кистонга жалб этилишида ҳал қилувчи аҳамият касб этишини таъкидлади.

— Бизнинг компаниямиз жаҳон базорида харидорғир тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенгайтиришга ва мамлакатнинг тўқимачилик корхоналари билан узоқ муддатли шериклик муносабатларини йўлга қўйишга катта қизиқиш билан қарайди, — деди у. — Ўзаро ҳамкорлик ривожини учун катта истиқболлар борлиги боис мен яқин вақт ичида Ўзбекистонга боришни, Ўзбекистонлик касбдошларим билан алоқалар ўрнатишни режалаштирялман.

“Thales” компанияси директори **Б. Офферман** Ўзбекистондаги қўлай инвестициявий иқлим ҳамда сармоядорларга бериладиган имтиёзлар Бельгия компанияларини мамлакат иқтисодиётига жалб этишда муҳим омил ҳисобланганини алоҳида таъкидлади.

— Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққёти, чет эллик сармоядорларга бериладиган афзалликлар ҳамда уларга яратилган қўлай шартношлар ҳақида бугун тақдим этилган маълумотлар менда катта қизиқиш уйғотди, — деди у. — Шу боис биз ҳам ўзбекистонлик шериклар билан автомобиль ва автомобилларга эҳтиёт қисмлар етказиб бериш юзасидан ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш масалаларини муҳокама этишга тайёр эканлигимизни маълум қилишни истар эдим.

«Жаҳон» АА. Брюссель

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР — САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ



(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Бу республикамизда фаолият кўрсатаётган фермер хўжалиқларининг техника паркини янгилаш, уларни кўп тармоқли субъектларга айлантириш учун замонавий технологияларни жалб этиш, озиқ-овқат саноати корхоналарида эса модернизациялаш лойиҳаларини амалга ошириш учун қўлай фурсатдир. Шу боис кўргазманинг ҳар бир куни қишлоқ хўжалиғи ходимлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари билан гап-гап. Улар ўзлари қидирган жиҳозларни саралаб, энг мақбулини харид қилишлари учун кўргазма

залларида барча шарт-шароит муҳайё этилган. Бу тадбирнинг кутилганидан кўра самарали ўтишдан далолатдир.

Кўргазмалар кундалигидан кўра самарали технологиялар, инновация ишланмаларининг тақдимотлари, хорижий илғор тажрибалари билан танишиш каби тадбирлар ҳам ўрин олган. Буларнинг барчаси юртимиз ишбилармонлари ва фермерларнинг чет эллик ишлаб чиқарувчилар билан мустаҳкам алоқа ўрнатишга хизмат қилди, албатта.

Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Бахтиёр АКРАМОВ ва Хасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

ИНТИЛИШ

Галлаорол туманилик Гулбахор Муродованинг оилавий тадбиркорлик билан шуғуллана бошлаганига эндигина икки йил бўлди.

Кичик бизнес

ИМКОНИАТЛАРИ

Лекин у ана шу қисқа муддатда кичик бизнес имкониятлари нақадар кенглигини амалда исботлаган ишбилармонлар қаторидан муносиб ўрин эгаллади.

Гап шундаки, тадбиркор аёл **“Сарафроз плюс”** оилавий корхонасига асос солиб, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйганди. Айни пайтда мазкур корхона фаолияти муттасил кенгайиб бормоқда.

Хусусан, Бахмалсой қишлоғидаги бўш турган бино мукамал таъмирдан чиқарилиб, тикувчилик цехига айлантирилди. Ушбу иншоотни жиҳозлаш учун банк кредитидан самарали фойдаланилди. Шу билан бирга, бу ерда уч турдаги сочиклар тайёрлаш ҳам ўзлаштирилди.

Тождидан **ҚАМАРОВ**, «Халқ сўзи» мухбири.

Изчил фаолият ва халқаро стандартлар

Тошкент шаҳрида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамда БМТ Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси ҳамкорлигида давра суҳбати ташкил этилди.

ДАВРА СУҲБАТИ

Гиёҳванд моддалар истеъмол қилиш ва ОИВ инфекцияси нуқтаи назаридан инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларнинг мамлакатимизда қўлланилишига бағишланган мазкур тадбирда парламент аъзолари, қатор вазирлик ва идоралар, таълим муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Таъкидландики, инсон ҳаёти ва саломатлигини хавф остида қолдираётган глобал муаммолар — гиёҳвандлик ва ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш борасида мамлакатимизда тизимли ишлар олиб борилаётган. Ўзбекистон Республикасининг «Одамнинг иммунитет танқислиги вирус келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши

курашиш тўғрисида»ги Қонуни, Президентимизнинг 2008 йил 26 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекциясининг тарқалишига қарши курашнинг самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борада ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

ОИВ инфекцияси тарқалишининг олдини олиш, беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича стратегия пойтахтимиз ва жойларда фаолият юритаётган ОИВСга қарши кураш марказлари орқали амалга оширишмоқда. Республикада мазкур инфекция диагностикаси бўйи-

ча 84 та лаборатория ташкил этилган бўлиб, тармоққа янги ташхис ва даволаш услублари татбиқ қилинаётгани, қон химияти хавфсизлигини таъминлашга, ушбу дард билан хасталанган беморларга ўз вақтида ретровирусга қарши терапия ёрдами кўрсатиш ишларига устувор аҳамият қаратилаётгани аҳоли саломатлиги муҳофазасида муҳим ўрин тутмоқда.

Тадбирда, шунингдек, аҳоли саломатлигини муҳофазасида қилишда, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни, гиёҳвандлик ва ОИВ/ОИТСга қарши курашиш самарадорлигини оширишда ижтимоий шериклик ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Фарида МАҲКАМОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Ноёб гуллар хиёбони

Мамлакатимиз сайёҳлик марказларидан бири бўлган Шаҳрисабзда энг ноёб манзарали дарахт ҳамда гул кўчатлари экилган хиёбон барпо этилди.

ОБОДЛИК

Натияда Амир Темуր майдонидаги Оксарой мажмуасини Дорус-саодат ва Дорут-тиловат мажмуалари билан бирлаштирувчи мазкур сайилгоҳ кўркам қиёфа касб этди. — Кўчатларимиз сони 21 минг 916 тупни ташкил этади, — дейди Шаҳрисабз тумани ободонлаштириш бошқармаси бош муҳандиси Шавкат Исломов. — Улар Бельгиядан махсус буюртма асосида келтирилди. Бунинг учун 1 миллион 46 минг евро маблағ сарфланди. Ҳозир бу ерда туризм инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган яна кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

O'ZSANOATQURILISHBANK

АТ «Ўзсаноатқурилишбанк»

томонидан стратегик инвесторларга тақлиф.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2008 йил 19 ноябрдаги «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармойишининг ижросини таъминлаш мақсадида АТ «Ўзсаноатқурилишбанк» балансидаги қуйдаги корхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш, стратегик инвесторларга сотиш учун ҳамкорликда ишлашга тақлиф этади:

- «Fergana Ceramics Industry» МЧЖ — чинни буюмлар ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Корхона манзили: Фаргона вилояти, Қувасой шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 3-уй.
- «Xorazm shisha idishlari» МЧЖ — шиша идишлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Корхона манзили: Хоразм вилояти, Шовот тумани, Ижтимоият қишлоғи.

Маълумот олиш учун АТ «Ўзсаноатқурилишбанк» Банк инвестицион фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш департаментининг Ночор корхоналар билан ишлаш бошқармасига мурожаат этиш мумкин. Манзил: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй. Телефонлар: (0-371) 120-36-04, (+99895) 199-29-36. Факс: (0-371) 120-45-64, 120-36-29. E-mail: info@uzpsb.uz Веб-сайт: www.uzpsb.uz

«O'zbekiston Respublikasi Oliy xo'jalik sudi Axborotnomasi — Вестник высшего хозяйственного суда Республики Узбекистана» 2013 йил учун

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Ахборотнома саҳифаларида:

- Ўзбекистон Республикаси қонунлари;
- Олий ҳўжалик суди Пленуми ва Раёсати қарорлари;
- ҳўжалик ишлари бўйича суд амалиёти тафсилотлари;
- чет эл арбитраж ва ҳўжалик судлари таърибаси;
- қонунчиликни амалиётда қўллашга оид етук ҳуқуқшунос олимлар ва судьяларнинг чиқишлари ёритиб борилади.

Шунингдек, тахририят орқали арзонлаштирилган нарҳда тўғридан-тўғри обуна бўлишингиз мумкин.

Обуна «Матбуот тарқатувчи» АҚ бўлимларида ва республикамиздаги барча алоқа бўлимларида 908 ва 909 индекслари орқали амалга оширилади.


МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) 277-91-66, 277-96-60.

Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари бозорига **“EVO”** савдо белгиси остида фаолият олиб бораётган **“Super iMax”** МЧЖ компанияси мамлакатимизда **“4G LTE TDD”** туртинчи авлод тармоғини йўлга қўйиши ҳақида эълон қилди.

evo PREMIUM SERVICE PARTNER

«EVO» — симсиз интернет провайдер

Бунда инвестор вазифасини Корея Республикасининг **“LTE”** технологиялари бозорига етакчилик қилувчи **“KT Corporation”** компанияси бажармоқда. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун **“KT Corporation”** 10 миллион АҚШ доллари миқдорига сармоя киритишни мўлжаллаган. Маълум қилинишича,



ҳарларидаги абонентлар фойдалана оладилар. 2016 йилга бориб эса бу хизмат тури республикамизнинг қолган ҳудудларини ҳам қамраб олади. Натияжада у ҳозирги вақтда мавжуд бўлган **“Wi-Max”** тармоғининг ўрнини босади. Айни пайтда **“4G LTE”** Ўзбекистон интернет бозорининг яна ҳам жадал ривожланишига хизмат қилиб келаётган. **“LTE TDD”** тармоғи эса МДҲ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб, мамлакатимизда жорий этилмоқда. **“EVO”**нинг **“4G LTE TDD”** тармоғидаги маълумот узатиш тезлиги мамлакатимизда фаолият юритаётган бошқа провайдерлар кўрсаткичидан анча юқори бўлади. Бу эса фойдаланувчиларга интернетда катта ҳажмдаги ахборот билан тез ва самарали ишлаш, видеомаълумотлар ҳамда юқори сифатли фото-

суратларни юклаб олиш ва кўриш, онлайн-уйинлар уйнаш, musiқа эшитиш, тижорат ҳамда таълим мақсадларида онлайн-иловалардан фойдаланиш имкониятини яратди. Мобиллик нуқтаи назаридан, **“4G LTE TDD”** технологияси ўзбеки-

стонлик фойдаланувчиларнинг интернетда ишлаш бўйича одатдаги имкониятларини кенгайтиришига ёрдам беради. Бундан ташқари, **“EVO”**нинг **“4G LTE TDD”** тармоғи илгари қамраб олинмаган ҳудудларга ҳам етиб боради. Интернетта киришининг юқори тезлигини таъминлайди. Бу, ўз навбатида, мамлакатимиз ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмаси ривожини янги босқичга олиб чиқади. Қолаверса, Ўзбекистонга **“4G LTE TDD”** технологиясининг кириб келиши АКТ соҳасида бизнесни тараққий эттириш учун ҳам қўшимча имкониятлар яратди.

компания 2008 йилдан бери Ўзбекистон АКТ бозорига, шу жумладан, **“Super iMax”** МЧЖ бизнесининг ривожини учун маблағ ажратиб келади. Утган давр мобайнида киритилган сармояларнинг умумий миқдори 21 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Режага кўра, 2015 йилдан интернетга **“4G LTE TDD”** технологияси орқали уланish хизматидан пойтахтимиз аҳолиси, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Фаргона вилоятларининг йирик ша-

EVO: “EVO” савдо белгиси остида фаолият юритувчи **“Super iMax”** компанияси 2008 йилдан бошлаб **“Wi-Max”** технологияси асосида интернетга кириш ва симсиз тармоқ тизими **“VPN”** хизматларини кўрсатиб келмоқда. У Жанубий Кореянинг **“KT Corporation”** компанияси иштирокида ташкил этилган. **“EVO”**нинг **“Wi-Max”** тармоғи мамлакатимиз пойтахти Тошкент, шунингдек, Самарқанд, Бухоро, Фаргона, Навоий, Қарши, Андижон, Наманган ва Қўқон шаҳарларида ишлаб турибди. **“FDD LTE”** технологияси симметрик траффика эга бўлган, масалан, овозли кўнгирак каби иловаларга, **“TDD LTE”** эса интернет-траффикни носимметрик ишлаши, яъни, видеоконтентни онлайн тарзда кўриш каби иловаларга кўпроқ мос келади.

Маҳмуд АЛИҚУЛОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

POS-ТИЗИМЛАРИ АВТОМАТЛАШТИРИШ

Micros Ўзбекистондаги расмий ҳамкор

- Штрих-код сканерлари
- Моноблоклар
- Харидор учун дисплей
- Чеклар принтери
- Тарозилар

ЖИҲОЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА АВТОМАТЛАШТИРИШ:

- савдо жойлари (магазинлар/супермаркетлар);
- бутик, ноозик-овқат маҳсулотлари савдоси;
- ресторанлар, кафе, барлар;
- фитнес-клублар, бильярдхоналар, боулинг ва бошқалар.

Моноблоклар, кассалар, штрих-код сканерлари, чеклар принтерлари, савдо тарозилари. Дастурий таъминот: Atol, Microinvest, Айтида. Автоматлаштириш «калти билан».

Маҳсулот сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

- Кичик Бешёғоч к., 86 (олдинги шаҳар ДИҲХБ биноси қаршида), тел.: (+99871) 200-34-34, (қўш. 850, 858), факс: 281-43-65.

www.micros.uz; e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

Тошкент кимё-технология институти раҳбарияти ва касба уюшма қўмитаси Юқори молекулали бирикмалар ва пластмассалар технологияси кафедраси профессори, кимё фанлари доктори Фарҳод Мағруловга турмуш ўртоғи **Зухра МАГРУПОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзин изҳор этади.

Маданият хабарлари



Истеъдод эгалари сараланди

Зулфия номидаги Давлат мукофоти учун аънавий тарзда ўтказиб келинаётган танлов истеъдодли қизларни кашф этишда муҳим ўрин тутди.

Хусусан, ушбу ижодий кўрикнинг Хоразм вилояти босқичида ҳудуддаги мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий ўқув юртлири талабалари қатнашди.

Шунингдек, танлов доирасида ташкил этилган ижодий ишлар кўргазмаси иштирокчиларнинг кўп қиррали иқтидорини янада кенг намойён қилди.

Оббек РАХИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ёшларга туҳфа

Қорақўл туманидаги 16-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари сони бир йўла икки ярим баравар кўпайди.

Бу мазкур маскан учун замонавий бино қурилиб, фойдаланишга топширилгани билан боғлиқ. Ушбу иншоот Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ажратилган 2 миллиард 657 миллион сўм маблағ эвазига қад ростлади.

Истам ИБРОХИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Қизилқум оҳанглари»

Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройида «Қизилқум оҳанглари» II аънавий кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Унда Навоий кон-металлургия комбинатида қарашли маданият муассасалари жамоалари ва катта ашула ижрочилари ўз маҳоратларини синаб кўрдилар.

Мазкур ижодий кўрик ёш истеъдод эгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга хизмат қилмоқда, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Муножат Йўлчиева.

Пойтахтдан келган тажрибали ҳакамлар ҳулосасига кўра, «Фарҳод» маданият саройининг яққоҳон хонандаси Улуғбек Саидов кўрик-танлов ғолиби, деб топилди.

Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Qishloq Qurilish Bank

Мамлакатимизда иқтисодий тармоқларини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнларини чуқурлаштиришга қаратилган фаол инвестиция сиёсати юритилмоқда.

Шу боис кейинги йилларда қўлай сармоявий муҳитни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Ана шу ҳаётий тамойил асосида иш юритилаётгани туфайли иқтисодийимизга жалб этилаётган инвестициялар ҳажми тобора ошиб бормоқда.

ИНВЕСТИЦИЯ ОҚИМИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ

Молия муассасаси томонидан ана шу вазифаларнинг изчил ижросини таъминлаш, айниқса, қишлоқ жойларда замонавий уй-жойларни барпо қилиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўрилиши натижасида жорий йилнинг ўтган 10 ойи давомида инвестиция мақсадларига ажратилган кредитлар ҳажми 1 033,5 млрд. сўмни ташкил этди.

Таъкидлаш керакки, иқтисодийимиз етакчи тармоқларида амалга оширилаётган инвестициявий лойиҳалар ҳам банк эътиборидан четда қолаётгани йўқ.

га олган ҳолда, қайта ишлаш ҳажмини кўпайтириш чора-тадбирларини кўраётир.

— Бизнесда муваффақиятларга эришиш кўп жihatдан хом ашёнинг барқарор етказиб берилишига боғлиқ, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Тўлқин Тўхтаниёзов.

Table with 2 columns: Category and Value. Categories include: sanoatga (37,8), qishloq xujaligiga (16,1), transport va kommunikatsiyaga (41,2), qurilishga (38,4), moddiy-texnik ta'minot va maishiy xizmat kursatish jabxasiga (42,2), bosqacha soxalarga (10,1).

миқдориде узок мuddатли сармоялар ажратилгани ана шундан далолат беради.

Банк инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиришга нафақат миллий валютадаги маблағлар манбалари, балки хорижий кредит линияларини ҳам кенг қўллаётгани диққатга сазовор.

Бундан ташқари, Жаҳон банки гуруҳига қирувчи Халқаро тараққиёт ва тикланиш банкнинг кредит линияси маблағлари ҳисобидан 1,7 млн. АҚШ доллари, Жаҳон банки Халқаро тараққиёт ассоциациясининг «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш лойиҳаси» кредит линияси маблағлари ҳисобидан 4,5 млн. АҚШ доллари, Хусусий секторни ривожлантириш Ислоом корпорацияси молиялаштириш линияси маблағлари ҳисобидан 11,0 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилиши натижасида банк миқдорларини қўллаб-қувватлаш лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Гап шундаки, ушбу хўжаликка 2011 йилда Халқаро тараққиёт ассоциацияси кредит линияси маблағлари ҳисобидан 5 йил мuddатга 299,3 минг АҚШ доллари миқдориде имтиёзли кредит берилган эди.

жиҳати, 35 та қўшимча иш ўрни яратилиб, уларга, асосан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини жалб этдик.

Юртимиз тадбиркорларига замон талабларига жавоб бера оладиган хорижий энг илгор техника ва технологияларини олиб келишга кўмаклашиш мақсадида эса хорижий кредит линияларини жалб қилиш давом эттирилмоқда.

— Банкнинг халқаро кредит линияси маблағлари ҳисобидан жалб этилган 200 минг АҚШ доллари миқдоридеги сармоядан

ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг муҳим шартидир

унумли фойдаланиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган замонавий совитиш омборини ишга туширдик, — дейди Ургут шаҳридаги «Urgut-Sharq» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Зубайдулло Ҳасимов.

улияти чекланган жамиятини олиб кўрайлик. Банкнинг 1 млрд. 100 млн. сўмлик молиявий мадади туфайли бу ерда ишлаб чиқариш модернизация қилиниб, аҳолига йилга 7 минг тонна сифатли ун маҳсулотлари етказиб берилмоқда.

— Рақобат кун сайин ортиб бораётган ҳозирги шароитда ишлаб чиқаришни изчил модернизация қилмасдан туриб, бозорда мустақкам жой эгаллашнинг имкони йўқ, — дейди Қўқон шаҳридаги «2F Technology Group» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Аюбхон Раҳмонов.



«Қишлоқ қурилиш банк» томонидан оқори технологияли sanoат тармоқларини ўзлаштириш, жойларда замонавий ишлаб чиқариш субъектларини ишга тушириш бўйича ҳудудий дастурлар ижросини таъминлаш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2009 йил 30 мартдаги «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида»ги қарориде қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни кенг қўллаб-қувватлаш ушбу молия муассасасининг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланган.

Булардан ойдинлашадикки, «Қишлоқ қурилиш банк» сармоялари энгил sanoат, қурилиш материаллари, озиқ-овқат sanoати, қишлоқ хўжалиги, машиный хизмат кўрсатиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик каби иқтисодийимизнинг муҳим соҳаларига йўналтирилмоқда.

«Қишлоқ қурилиш банк» материаллари асосида «Халқ сўзи» мухбири Саид РАҲМОНОВ тайёрлади.

истиқболли лойиҳалар молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланиб келинмоқда. Хоразм вилоятидаги «Хоразм мега бетон» масъулияти чекланган жамияти шундай лойиҳалар сирасига кириди.

— Муҳим қурилиш материаллари — темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган бизнинг «Beton sanoat» масъулияти чекланган жамияти-миз шу йил ташкил қилинди, — дейди унинг раҳбари Роман Ким.

Шу билан бирга, банкнинг бир миллиард сўмлик кредити ҳисобига «Нукус темир-бетон буюмлари заводи» масъулияти чекланган жамияти ишга туширилиб, юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига кенг турдаги ана шундай маҳсулотлар етказиб берилмоқда.

Мамлакатимизда ўзлаштирилаётган сармоялар, шунингдек, нафақат замонавий янги ишлаб чиқариш субъектларини ишга тушириш, балки иқтисодий ноҳор, қамқуватли ва банкрот корхоналарни молиявий соғломлаштириш лойиҳаларига ҳам йўналтирилмоқда.

Қолаверса, банк томонидан пахта толасини чуқур қайта ишлаш ҳисобига ички ва ташқи бозорларда рақобатбардор маҳсулотлар тайёрлаш кўзда тутилган 8 та лойиҳа ижросига 2,9 млрд. сўм йўналтирилди.

— Банк томонидан ажратилган 750 млн. сўм миқдоридеги кредит маблағи эвазига хориждан энг замонавий технологик линия ва зарур дастгоҳлар олиб келиб ўрнатдик, — дейди унинг раҳбари Носиржон Отабаев.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.25

Footer section containing contact information for 'Халқ сўзи' newspaper, including address, phone numbers, and subscription details.